

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АХОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ХИМОЯЛАШ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8059628>

Тдиу проф. Х.И.Баев

Т.А.Сапаров

Аниқ фанлар университети доц.

Бозор шароитида аҳолини ижтимоий химоялаш давлатни асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса аҳолига ижтимоий ёрдамнинг молиявий таъминоти ҳамда молиявий манбалар аввало давлат бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда айрим ўзига тўқ фуқороларнинг ҳайр-эхсон маблағлари ҳам аҳолини моддий таъминотига йўналтирилади. Айни вақтда мажбурий тиббий суғуртани ривожлантириш орқали аҳолини ижтимоий жиҳатдан химоялаш учун пул маблағларини топиши бозор шароитида давлатни қонун қабул қилиши орқали мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириш мумкин.

Мажбурий тиббий суғуртани амалга ошириши ўзининг асосларига эга ҳисобланади. Айниқса жисмоний шахснинг қонунга асосан мажбурий тиббий суғурта қилиши зарур бўлган шахслар табақасига кирувчи шахсларга нисбатан дастур амалга оширилиши асос бўлади.

Ўз навбатида ҳуқуқий жиҳатдан жисмоний шахснинг маълум ҳудудда 3 ойдан ортиқ истикомат қилиши ва бу шахсга нисбатан базавий дастурдан ташқари ушбу ҳудуднинг кўшимча дастури амалга оширилишининг сўзсиз асоси бўла олади.

Суғурталовчи меҳнат фаолиятини амалга оширмаётган жисмоний шахсларнинг суғурталонувчилар билан ҳам шартномани тузуши мумкин.

Суғурта қилинган шахслар сони статистика маълумотларидан келиб чиққан ҳолда, ўз навбатида суғурта қилинган ҳар бир шахс суғурта бадали миқдорини тўлайди, пул маблағлари ўз вақтида тушмаганлиги учун жавобгарлик ушбу шартларнинг муҳим шартларидир. Ишлаб турган жисмоний шахсларнинг суғурталонувчилари билан жамғарма ўртасида шартномалар тузулмайди.

Демак юридик шахс ва жисмоний шахсинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳолати ушбу шахсни суғурталанувчи сифатида этироф этиш учун сўзсиз асос ҳисобланади.

Мажбурий тиббий суғуртани асосий мақсади бўлиб суғурта қилинган шахсларга сифатли тиббий қафолатланган хизматлар кўрсатишдир. Мажбурий тиббий суғуртани мақсадидан куйидаги вазифалари келиб чиқади.

1 Аввало мажбурий тиббий суғурта тизимида кўрсатиладиган тиббий хизматларни молиялаштиришни бошқариш;

2. Мажбурий тиббий суғурта системасида қайд этилган тиббий хизматлар сифатини бошқариш.

3. Мамлакат аҳолисини ҳамма табақаларини мажбурий тиббий суғурта билан камраб олиш.

4. Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотгандан кейин суғурта қилинган шахсларнинг реабилитация қилишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаб бориш.

5. Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохатларни амалга оширган ҳолда, мажбурий тиббий суғурта жорий этилишини мувофиқлаштириш.

Шуни таъкидлаш лозимки мажбурий тиббий суғуртани асосан мажбурий тиббий суғурта маблағлари ҳисобига тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган бепул тиббий хизматлардан фойдаланишда жисмоний шахсларга тенг имкониятларни таъминлайдиган давлат ижтимоий суғуртасини бир таркибий қисми деб қараш керак.

Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий тамойиллари мавжуд бўлиб суғурталанганларнинг ижтимоий мақомидан ва қўшилган улиши миқдоридан қатий назар базавий дастур ҳажмида тиббий хизматлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

1.Мажбурий тиббий суғуртани тузишдаги ўзаро муносабатлар мамурий, тиббий суғурта субъектлари ўртасидаги шартномалар орқали тартибга солинади.

2. Суғурталанувчилар олдида мажбурий тиббий суғурта бюджети ижросига нисбаттан ошқоралик.

3. Суғурта қилинганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиниши таъминланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мажбурий тиббий суғурта дастурига эга бўлиши ва унда аввало мажбурий тиббий суғурта шартномалар асосида жамғарма маблағлари ҳисобига суғурта қопламаси тайинлаши керак бўлган тиббий хизматлар кўрсатиш ҳажми ва шартлари акс этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳамма фуқоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ҳамма хорижий фуқоролар ва фуқоролиги булмаган шахслар мажбурий тиббий суғурта қилиши шарт ҳисобланади.

Ҳуқуқий жihatдан олиб қаралганда Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган хорижий фуқоролар ва фуқоролиги булмаган шахсларнинг мажбурий тиббий суғуртаси Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда жорий қилинади.

Хориждаги Ўзбекистон Республикасида фуқороларининг мажбурий тиббий суғуртаси Ўзбекистон Республикасида фуқоролари истиқомат қилаётган мамлакатлар билан икки томонлама битим асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан чет элга кетаётган фуқороларнинг тиббий суғуртасига суғурта қопламаси тўланиши кафолати суғурта кампаниялари резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилади. Мажбурий тиббий суғурта тизими билан шахслар тиббий хизматларга ўзлари ҳақ тўлайдилар.

Жаҳон тажрибасидан маълумки тиббий суғурта ҳар бир мамлакатда мавжудлигидан қатий назар инсон соғлиғини ҳимоя қилишда аҳолини манфатларини ижтимоий ҳимоялашни оммалашган шакли ҳисобланади. Умуман олганда тиббий суғуртани амалга оширишдан асосий мақсад турли қутилмаган воқия ва ҳодисалар яъни суғурта ҳодисаси юз берганда жамғарилган пул маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам олишда фуқороларни кафолатлаш ҳамда олдини олиш тадбирларини молялаштиришни кўзда тутади.

Ўз навбатида тиббий суғурта ихтиёрий тиббий суғуртага ва мажбурий тиббий суғуртага бўлинади. Буларни дастури мавжуд бўлиб дастурда белгилангандан ташқари инсонларни қўшимча тиббий ва бошқа хизматларни таъминловчи тегишли дастур асосида ҳаётга риялизатция қилади.

Ўз навбатида ихтиёрий тиббий суғурта жамоавий ва индивидуал бўлиши ҳам мумкин. Аслида фуқоро, суғурта қилувчи, тиббий суғурта ташкилоти, тиббиёт муассаси тиббиёт суғурта субъекти бўлиши мумкин.

Агар мажбурий тиббий суғуртани кўрадиган бўлсак, мажбурий тиббий суғуртада суғурталовчи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ишсиз аҳоли учун-давлат бошқарув идоралари.
2. Маҳалий мамурият, ташкилот.

3. Индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс:

4. Эркин касбдаги шахс бўлиши мумкин.

Шунингдек суғурта килдирувчи бўлиб ихтиёрий тиббий суғурта айрим фуқоролар ёки фуқоролар манфатини ёқловчи корхоналар бўлади.

Гап шундаки тиббий суғурта ташкилотлари булар юридик шахсдир, тиббий суғурта билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўладилар.

Тиббий суғурта тизимидаги тиббиёт муассалари бўлиб мулкни исталган шакилдаги лицензия ва сертификатга эга бўлган даволаш олдини олиш муассаси ҳисобланади.

Шуни такидлаш керакки тиббий суғурта субъектлари орасидаги ўзоро муносабат шартнома асосида барпо этилади. Ўз навбатида ҳар бир фуқоро суғуртавий тиббий полисни қўлга олиб хотиржам бўлади. Ҳақиқатдан тиббий суғурта ҳамма субъектлари молиялаш манбалари, субъектларининг ҳуқуқ ва мажбурятлари қонунчилик асосида белгилаб қўйилади. Энг муҳими тиббий суғурта доирасида мустақил соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий суғурта жамғармалари тузилади.

Агар тиббий суғурталанувчи ўз навбатида мажбурий тиббий суғурталанган ҳолда меҳнат қилса жисмоний шахслар уларнинг суғурталанувчилари бўлиб.

1 Меҳнат ҳамда фуқоролик ҳуқуқий шартномалар буйича меҳнат фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар учун иш берувчи;

2. Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини бошқа шартномаларда амалга оширадиган жисмоний шахслар учун ушбу шахсларни фақат ўзи.

Гап шундаки мажбурий тиббий суғурталанган ҳолда меҳнат фаолиятини амалга оширмаётган жисмоний шахсларнинг суғурталанувчилари қуйидагилардир.

-Пенсионерлар, иш билан банд этиш органларида қонуний тартибда руйхатга олинган ишсизлар ижтимоий нафақа оладиган бошқа шахслар учун ижтимоий суғурта жамғармаси.

-16 ёшга тўлганча бўлган болалар ўқишни, тамомлаганига 18 ёшдан ортиқ бўлмаган ёшгача болалар, олий ва ўрта таълим махсус ўқув юртида ўқиётганлар мамлакатимиз ҳудудида.

-Ўзбекистонда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган фуқоролар.

-Қамоқда сақланаётган, озодликдан маҳрум қилинган фуқоролар учун.

-Мехнат фаолияти билан шуғуллана олмаётган аҳолининг бошқа тоифалари учун ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий органлари ҳамда маххалий ўзини ўзи бошқариш органлари.

-мажбурий тиббий суғурта билан бўлган ҳолатда фуқоралик муомила лаёқатига эга бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар муносабатларида бўлган суғурталовчилар бўлиши мумкин.

Агар тиббий суғурталовчилар ҳақида фикир юритсак тиббий суғурта субъекти қонунга ёки битимга биноан суғурта қопламаси тулайдиган суғурта кампанияси ёки жамғарма бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда тиббий суғурта буйича тиббий хизмат кўрсатиш аввало қонунчиликда кўрсатилган шартнома асосида амалга оширилади Суғурта қилинган шахсга тиббий хизматлар тиббий муассаса томонидан белгиланган дастур асосида кўрсатилади.

Тиббий суғурта буйича тиббий хизматлар кўрсатишга суғуртачи билан тиббий муассаса ўртасида тузилган шартнома асосида тиббий хизмат кўрсатилади.

Томонлар ихтиёрий тиббий суғурта шартномасини тузиш ваколати берилган тиббий муассалари бирлашмалари билан суғурта қопламалари ўртасида шартномалар тузилишига йўл қўйилади. Ҳудудий жамғарма тиббиёт муассасаси билан республика жамғармаси номидан мажбурий тиббий суғурта буйича тиббий хизматлар кўрсатилишига шартномалар тузади. Жамғарма мажбурий тиббий суғурта буйича тиббий хизматлар кўрсатилишига шартномалар тузади. Жамғарма мажбурий тиббий суғурта буйича тиббий хизматлар кўрсатилишига шартномалар тузишни тиббиёт муассасига рад этишга ҳақли эмас.

Тиббий суғурта буйича тиббий хизматлар кўрсатишга тузилган шартномаларга қўйиладиган умумий талаблардан ташқари:

-Қандай хизматлар тури кўрсатилмоқда.

-Фуқороларга суғурта қилинганлиги туғрисида йўлланма бериш (Қвота) тиббий хизматлар тарифлари ва уларнинг суғурта қопламаси тартиби:

-Айниқса тиббий суғурта қилишни ва сифатини назорат қилиш суғурта маблағларидан тартибли фойдаланиши.

-Ўз навбатида тиббий суғурталовчи муассаларни шахсларни суғурта қилгандан кейин яшаш ва иш жойидан қаттиқ назар тиббий хизмат кўрсатиш мажбурийдир.